



“ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” акцидорлик жамияти
“Сувтаъминоти ва оқова сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК
Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Р.Холиқназаровга

Техник шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлари туғрисидаги ПК-408-сонли қарори ижросини таъминлаш ва Тошлок тумани Хотинкуми МФЙ Улугбек, Дустлик, А.Навоий, Орият, Тинчлик ҳамда Урикзор кучалари ҳудудида яшовчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Хотинкуми МФЙ Улугбек, А.Навоий ҳамда Урикзор кучалари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун ушбу ҳудудда “Фаргона сувтаъминоти” МЧЖ Тошлок туман бўлимига хизмат курсатувчи марказий ичимлик сув тармоғи ҳамда ичимлик сув манбааси йуклиги сабабли Гидрогелогия хулосасини олган ҳолда, 1-дона тик ичимлик сув кудуги қазилш ҳамда лойиха асосида ичимлик сув қувурлари тортиш ва Орият, Дустлик ва Тинчлик кучаларидаги аҳолини ичимлик сув тизимини яхшилаш учун мавжуд сув кудугини реконструкция қилиш, замонавий электр тежамкор ВИЛО русумли сув насоси урнатиш, бир дона сув минораси урнатиш, трансформатор (ТП) урнатиш ва лойиха асосида ичимлик сув тармоқлари тортиш тавсия этилади.

Тошлок тумани Хотинкуми МФЙ Улугбек, Дустлик, А.Навоий, Орият, Тинчлик ҳамда Урикзор кучалари ҳудудида ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.


Ушбу объектни қурилиш лойиха ҳужжатлари тайёр бўлгандан сўнг ЯИДХП (ягона интерактив давлат хизматлари портали) орқали “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ Тошлок туман бўлими билан келишиш ҳамда бир нусхасини тақдим этилиши шарт.

Объектга ишлатиладиган барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Техник шартни амал қилиш муддати 1 (бир) йил.

Тошлок туман бўлими раҳбари  Х.Одилов

Бош муҳандиси:  К.Мирзаматов

ИЧБ муҳандиси:  И.Абдулазизов